

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХМАТОВА ДИЛНОЗА МУХИТДИНОВНА

**НЕФТ ВА ЁҒ-МОЙ САНОАТИ ЧИҚИНДИЛАРНИ
УТИЛИЗАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ХАВФСИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.08 - Нефт ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Рахматова Дилноза Мухитдиновна

Нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларни утилизациялаш орқали
хавфсиз маҳсулотларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш 3

Рахматова Дилноза Мухитдиновна

Разработка технологии получения безопасных продуктов при
утилизации отходов нефтяной и масложировой промышленности 21

Rakhmatova Dilnoza Muxitdinovna

Development of technology for obtaining safe
products when recycling oil and oil-fat industries 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 42

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги **ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА
УНИВЕРСИТЕТИ**

РАХМАТОВА ДИЛНОЗА МУХИТДИНОВНА

**НЕФТ ВА ЁҒ-МОЙ САНОАТИ ЧИҚИНДИЛАРНИ
УТИЛИЗАЦИЯЛАШ ОРҚАЛИ ХАВФСИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ**

02.00.08 - Нефт ва газ кимёси ва технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияда В2021.4.PhD/Т2451 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (ik-kimyo.nuu.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Мусаев Маъруфжон Набиевич**
техника фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар: **Фозилов Садриддин Файзуллаевич**
техника фанлари доктори, профессор

Раҳмонов Тойир Зойирович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Фарғона политехника институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 рақамли Илмий Кенгашнинг « 4 » 03 2022 йил соат «10⁰⁰» даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўчаси, 32-уй. Тел.: (99871)244-79-20, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz.). Тошкент кимё-технология институти Маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__289 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: (100011, Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, А.Навоий кўч.32. Тел.: (99871) 244-79-20).

Диссертация автореферати 2022 йил « 18» 02 куни тарқатилди.
(2022 йил « 12 » 02 даги № 98 рақамли реестр баённомаси).

С.М.Туробджанов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.И.Кадиров
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, т.ф.д., профессор

Г. Раҳмонбердиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларни иккиламчи хомашё сифатида қўллаш, улар асосида хавфсиз маҳсулотлар олиш орқали экологияга антропоген таъсирини камайтириш борасида технологик ишланмалар яратилиб ишлаб чиқаришга жорий этилган. Шу билан бирга қолдиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва янги турдаги қурилиш маҳсулотларини олиш, уларни ишлатиш самарасини ошириш, физик-кимёвий хоссалари юқори бўлган қурилиш битум ўрнини босувчи нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларни қайта ишлаш технологик жараёнларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда механик бардошли қурилиш битуми ўрнини босувчи қуйқалар яратиш бўйича қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада нефт ва ёғ-мой саноати иккиламчи маҳсулотлари асосида дуктилик ва пластиклик интервали кўрсаткичлари бўйича сифати оширилган, оксидланишидан пенетрацияси ва юмшаш ҳарорати бўйича стандарт талабларга мос келувчи том ёпиш қопламалари таркиб рецептурасини яратиш, қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқалар олиш технологияларини ишлаб чиқиш ва синовдан ўтказишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда маҳаллий нефтшлами, гудрон (госсипол смола), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингургурт асосида физик-кимёвий хоссалари яхши бўлган қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва қўллаш бўйича илмий ва амалий натижалари эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «юқори технология қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация қилиш ва диверсификация қилиш»¹, бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада нефтни қайта ишлаш саноатидан олинган қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаларни олишнинг замонавий технологияларини ишлаб чиқиш бўйича илмий - тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5646-сон «Ўзбекистон Республикасининг ёқилғи-энергетика саноати бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур соҳа фаолиятига тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони

белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишини устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Дунёда нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларидан қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасини олиш ва ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича А.Е.Воробьев, Х.Тчаро, К.А.Воробьев, В.М.Капустин, М.Г.Рудин, С.Г.Кукес, С.С.Негматов, Б.Н.Хамидов, Ш.М.Сайдахмедов, Г.Р.Нарметова ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Улар томонидан нефт ва ёғ-мойларни қайта ишлаш жараёнида компонентларни тадқиқ қилиш ва турли таркибга эга бўлган янги қурилиш материалларини олиш учун илмий ишларни ўрганиб, маҳаллий нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларидан тайёр қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқа маҳсулотларини олиш технологиялари ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Шу билан бирга гидроизоляция ва том ёпиш қопламалари учун нефт ва ёғ-мой чиқиндилари нефтшлами, гудрон (госсипол смоласи), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингутуртнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш, чиқинди ва қолдиқлар асосида қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасини ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш, олинган қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаси компонентларининг физик-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларини аниқлаш, ишлаб чиқилган қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасини ишлатиш технологияларини яратиш борасида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ва Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ИПП-12 «Органик, ноорганик, полимер ва бошқа табиий материалларни ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари» (2017-2021 йй.) лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади маҳаллий нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндилари асосида қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқалар олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларни сифатли утилизациялаш ва физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш;

маҳаллий нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларнинг таркибига қўшимча (СаО ва S) компонентларнинг таъсирини аниқлаш;

турли техник шароитларда қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасининг эксплуатацион хусусияти ва барқарорлигини аниқлаш;

маҳаллий нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларидан қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

нефтшлами, гудрон ва олтингугуртларни утилизациялашдан олдин ва кейинги хавфлилик синфини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нефтни сақлаш резервуарларда тинган нефтшлами, ёғ-мой саноати соапстокдаги мойли кислоталарни дистилляшда ажраладиган чиқинди гудрон (госсипол смоласи), оҳак ишлаб чиқаришда ажраладиган сўндирилмаган оҳак ва газни қайта ишлаш саноатида олинадиган техник олтингугурт ҳамда ишлаб чиқариладиган қурилиш битум ўрнини босувчи куйқаси ва унинг композициялари олинган.

Тадқиқотнинг предмети маҳаллий чиқинди ва тадқиқотлар асосида янги қурилиш битум ўрнини босувчи куйқаларини ишлаб чиқиш ҳамда гидроизоляция ва том ёпиш қопламалари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда замонавий физик, физик-кимёвий ва физик-механик усуллари (ИК, реологик, термомеханик, оптик микроскопик ва бошқалар.) таҳлилларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юқори углеводородли маҳаллий нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларининг кимёвий таркиби ва кимёвий хусусиятлари аниқланган;

гидроизоляция ва том ёпиш қопламалари учун маҳаллий чиқиндиларга асосланган қурилиш битум ўрнини босувчи куйқалари ишлаб чиқилган;

маҳаллий чиқиндилар асосида янги таркибга эга бўлган қурилиш битум ўрнини босувчи куйқасининг таркиби ишлаб чиқилган;

қурилиш битум ўрнини босувчи куйқаларини олиш учун нефтшлами, гудрон (госсипол смоласи), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингугурт маҳаллий арзон углеводородли чиқиндилар асосида олинган куйқанинг технологик, физик-механик ва эксплуатацион хоссалари аниқланган;

нефтшлами, гудрон (госсипол смоласи), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингугурт асосида қурилиш битум ўрнини босувчи куйқаларини олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хавфсиз маҳсулотларини яъни қурилиш битум ўрнини босувчи куйқаларини олиш учун нефтшлами, гудрон (госсипол смоласи), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингугуртларни қўллаш зарурати асосланган;

гидроизоляцияга қарши ва том ёпиш қопламалари учун ишлатиладиган қурилиш битум ўрнини босувчи куйқаларининг юқори самарали маҳсулотлари олинган;

оғир шароитларида бўлган қурилиш объектларида гидроизоляция ва том ёпиш қопламалари учун қурилиш битум ўрнини босувчи куйқаларини ишлаб чиқаришда мақбул бўладиган рецептура танланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги чиқинди ва қурилиш битум ўрнини босувчи куйқаларининг сифат кўрсаткичларини физик-кимёвий таҳлил натижалари, замонавий усулда ишлатилиши исботланган ҳамда Республикамиздаги нефт ва ёғ-мой саноатларда олиб борилган тадқиқот натижалари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти маҳаллий чиқинди ва қолдиқ ресурсларидан фойдаланган ҳолда қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаларини олиш таркиби ва технологиясини илмий асоси яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндилари, нефтшлами ва гудрон (госсипол смоласи), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингутурт асосида, арзон маҳаллий қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаларини ишлаб чиқиш нефтни қайта ишлаш заводларда олинадиган қурилиш битумлари таннархидан арзонлаштириш, бу эса кўп миқдорда моддий, энергетик ва бошқа сарфларни тежалишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Маҳаллий нефт ва ёғ-мой саноати чиқинди ва қолдиқлари асосида қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган тадқиқот натижалари асосида:

нефтшлами, госсипол смоласи каби саноат чиқинди ва қолдиқлари асосида қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқалар олиш технологияси «Бухара Проспер Инвест» МЧЖнинг «амалиётга жорий этиш бўйича истиқболли ишланмалар рўйхати»га киритилган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2021 йил 16 ноябрдаги №28-1/818-сон маълумотномаси). Натижада қурилиш битум ўрнини босувчи гидроизоляцияцион қуйқа ишлаб чиқариш имконини берган;

саноат чиқинди ва қолдиқлари асосида олинган гидроизоляцияцион қуйқалар таркиби «Qurilish Montaj Building» МЧЖ томонидан Когон шаҳар қурилиш обектида жорий қилинган («Ўзбекнефтегаз» АЖнинг 2021 йил 16 ноябрдаги №28-1/818-сон маълумотномаси). Натижада қурилиш битумни 35 % тежаш, иқтисодий самарадорлигини 30 % ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та республика ва 8 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси ва материаллари бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган. Олий Аттестация Комиссиясини диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва атамалар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий

натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Нефт сақловчи ва ёғ-мой саноати чиқиндиларини утилизациялаш технологияларининг замонавий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида, нефт сақловчи ва ёғ-мой саноати чиқиндилари ҳосил бўлиши бўйича адабиётлар маълумотлари таҳлили, нефт сақловчи чиқиндиларининг синфланиши, нефтни қайта ишлаш, нефт-газ ва ёғ-мой саноати чиқиндиларини утилизациялаш технологиялари, ёғ-мой саноатидаги иккиламчи гудронни қайта ишлаш усуллари, ёғ-мой саноатидаги иккиламчи гудронни ишлатиш соҳалари ёритиб берилган. Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш натижасида мазкур тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ифодаланган.

Диссертациянинг «**Изланиш объектлари, олинган моддаларнинг физик-кимёвий хоссалари, олиниш ва тадқиқ қилиш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида, тадқиқот объектини танлаш, нефтшлами ва ёғ-мой саноатидаги гудронларнинг компонентли таҳлили, битум ўрнини босувчи куйқасини тайёрлаш методикаси, битум ўрнини босувчи куйқанинг сифатини баҳолаш, қурилишда қўлланиладиган битум ўрнини босувчи куйқанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш бўйича маълумотлар батафсил ёритилган.

Биз томондан тадқиқот объекти сифатида қуйидаги чиқинди ва компонентлар танланди:

- 1- Нефтшлами - Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи чиқиндиси;
- 2- Гудрон (госсипол смоласи) - «Вангози Агро Экспорт» МЧЖ чиқиндиси;
- 3- Олтингугурт - Муборак газни қайта ишлаш заводи қолдиғи;
- 4- Сўндирилмаган оҳак - оҳакни куйдирганда олинган маҳсулот.

Объектларнинг таркиби ва келиб чиқишини кўриб чиқамиз:

1. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводида йилига 2 минг тоннагача нефт чиқиндилари ҳосил бўлади. Ҳозирги кунда бу чиқиндилар катта харажатлар ҳисобига махсус омборларда сақланади ёки қурилиш материаллари сифатида фойдаланилади. Нефт ва газ саноатида вужудга келадиган даврий равишда ажратиб туриладиган шлам асосидаги чиқиндилар таркиби 1-жадвалда келтирилган.

2. Ноозикавий ёғ-мой маҳсулоти - Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган госсипол смоласи.

Госсипол смоласи пахта соапстоғи ёғ кислоталарини дистилляция қилишда кубли қолдиқ (гудрон) ҳолида «Вангози Агро Экспорт» МЧЖ да олинади.

Госсипол смоласининг гуруҳли таркиби ва элементар таҳлили 2-жадвалда келтирилган.

Госсипол смоланинг тавсифи ГОСТ кўра белгиланади ва 3-жадвалда келтирилган.

Госсипол смоласи ёнувчан маҳсулот бўлиб, қуйидаги сифат кўрсаткичларга эга:

Эриш ҳарорати, °С	70
Чақнаш ҳарорати, °С	250

3. Элементар олтингугуртнинг тавсифлари ГОСТ 127.1-93 «Техник олтингугурт» меъёрий ҳужжатида кўрсатилган.

1-жадвал

Шлам асосида чиқиндиларнинг таркиби

№	Чиқиндининг номланиши	Чиқиндининг таркиби
1	Нефт туткич ва ўхшаш иншоотларда қалқиб чиқувчи нефт маҳсулотлари	Тўйинган углеводородлар-63%; Тўйинмаган углеводородлар-2%; Бензол – 2%; Толуол – 2%; Ксилол – 1%; Сув – 30%
	Нефт туткичларда қалқиб чиқувчи нефт маҳсулотлари	Нефт маҳсулотлари – 70%; Сув – 30%
	Нефт туткичларни тозалашда ҳосил бўладиган шлам	Сув – 0,1%; Нефт маҳсулотлари – 99,30759%; Қул (қум) – 0,592%
2	Сақлаш идишлари ва қувур узаткичларни нефт ва нефт маҳсулотларидан тозалашда ҳосил бўладиган шламлар	Нефт маҳсулотлари – 63,12%; Намлик – 8,29%; Қум – 28,59%.
	Ёқилғи-мойлаш материалларни сақлаш идишларини тозалашда ҳосил бўладиган шламлар	Қовушқоқ нефт маҳсулотлари-15%; Темир – 85%;
	Сақлаш идишларини тозалашда ҳосил бўладиган чиқиндилар	Сув – 70%; Механик қўшимчалар – 26%; Нефт маҳсулотлари – 4%
3	Нефт ва нефт маҳсулотлари билан ифлосланган тупроқ (нефт ва нефт маҳсулоти миқдори 15% ва ортиқ)	Нефт маҳсулотлари - 16,6%; Сув - 80,1%; Темир оксиди – 2,55%; Кремний оксиди – 0,75%
	Нефт билан ифлосланган тупроқ	Қум – 35-45 %; Тупроқ – 35-45 %; Нефт маҳсулотлари – 10-20%
	10% ва ундан ортиқ нефт маҳсулотлари билан ифлосланган қум, тупроқ	Қум, тупроқ -85%; Қовушқоқ нефт маҳсулотлари (нефт, газ конденсати, мазут) – 6%; Суюқ нефт маҳсулотлари (бензин, керосин, минерал мойлар) – 3,5%; Юқори олтингугуртли нефт – 5,5%

4. Сўндирилмаган оҳак. Ўрганилган модели минерал кукунларни тайёрлаш учун асосий таркибий қисми сифатида «Когон стройматериал» УК да

ишлаб чиқариладиган кўшимчасиз кукунсимон сўндирилмаган калцийли курилиш оҳаги ишлатилган. Бўрнинг куйишида ҳосил бўлган маҳсулотдир. Оҳакнинг хусусиятлари 4-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

«Ванғози Агро Экспорт» МЧЖ дан олинган госсипол смоланинг гуруҳли таркиби ва элементар таҳлили

Номланиши	Миқдори, %		Элементар таркиби, %			
	Маҳсулот	H ₂ O	С	Н	О	N
Госсипол смоласи	100	4	82,5	9,7	7,1	0,7
Гуруҳли таркиб:						
- қолдиқ	90	-	83,4	8,5	7,3	0,8
- мой	2	-	84,6	11,6	6,7	0,1
- суюқ	2	-	76,7	13,4	5,9	-
- парафин фракцияси	1	-	85,9	14,3	9,8	-
- ароматик углеводородлар	5	-	85,2	8,4	6,4	-

3-жадвал

Госсипол смоланинг тавсифи

Кўрсаткичлар номи	Тавсифи ва меъёрлари	
	1-тур	2-тур
Ташқи кўриниши ва ранги	Тўқ жигар рангдан қора ранггача бўлган бир хил таркибли масса	
Кислота сони, мг КОН/г, оралиғида	71-100	50-70
Ацетондаги эрувчанлик, %, дан кам эмас	80	70
Кулнинг массавий улуши, %, дан кўп	1,0	1,2
Намлик ва учувчан модданинг массавий улуши, %, дан кўп эмас	4,0	4,0

4-жадвал


Минерал кукунларнинг хусусиятлари

Кўрсаткич	ГОСТ талаби	Оҳак	Тадқиқ қилинадиган минерал кукунлар					
			10	20	30	40	50	60
СаО + MgO миқдори,% масса бўйича	3, дан кам	0	10	20	30	40	50	60
Таркиби,% масса бўйича, дан кичик								
1,25 мм	95, дан кўп	100	100	100	100	100	100	100
0,315 мм	80, дан кўп	97	100	100	100	100	100	100
0,071мм	60, дан кўп	92	100	100	100	100	100	100
Бўшлилик, % ҳажм бўйича	45, дан кам	29	31,70	33,60	35,00	32,34	29,90	27,01

Диссертациянинг «Нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларидан битум ўрнини босувчи қуйқани олиш усуллари ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобида атмосфера босимида нефт шлами ва гудрон асосида хавфсиз маҳсулот олиш, нефт шлами ва гудрон аралашган чиқиндиларни оксидлаш жараёнида гуруҳли таркибининг ўзгариши, сўндирилмаган оҳак ва техник олтингугурт билан битум ўрнини босувчи қуйқани модификациялаш, модификацияланган битум ўрнини босувчи қуйқанининг физик-механик хосаларини тадқиқ қилиш, нефтшлами, гудрон, техник олтингугурт ва сўндирилмаган оҳак асосида олинган битум ўрнини босувчи ИҚ спектр таҳлили, Нефтшлами, гудрон ва олтингугуртнинг утилладан олдинги ва кейинги хавфлилик синфини тадқиқ қилиш.

Нефтшлами ва гудрон асосида хавфсиз маҳсулотларни олиш технологияларидан бири атмосфера босими остида нефт ва ёғ-мой саноати чиқиндиларини термик ишлов бериш бўлган. Ушбу ишлов бериш усули технологик жиҳатдан анъанавий хомашёлардан битум олишнинг стандарт усулига энг яқин ва технологик нуқтаи назардан энг оддий ҳисобланади

Том ёпиш ва изоляциялаш битум ишлаб чиқариш саноатига ўхшаш шароитларда олинган аралашмаларнинг оксидланиш бўйича тажриба шакллантириш олдиндан белгиланган (260 °C ҳароратида 20 соат давомида ва ҳаво сарфи 3.2 л/мин билан қайнатиш). Маҳсулотларнинг оксидланиш жараёнининг сифат кўрсаткичлари 4, 8, 12, 16 ва 20 соатларидан кейин аниқланди.



1-расм. Қуйқа сифат кўрсаткичларининг оксидланиш вақтига боғлиқлиги

Оксидланиш вақтига қараб, битумнинг юмшаш ҳарорати, пенетрация ва чўзилувчанлик каби энг муҳим сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада ўзгариши мумкин. Буни турли оксидланиш муддатларида олинган намуналарда бу кўрсаткичларни аниқлаш натижалари тасдиқлайди. Эҳтимол, бунинг сабаби шундаки, оксидланиш чуқурлиги ортиши билан оксидланган битум таркибида смолалар ва мойлар миқдори камаяди ва смола-асфалтенли моддаларининг тўпланиши содир бўлади.

Битумни изоляциялаш учун меъёрланган аралашманинг асосий сифат кўрсаткичлари ўзгаришининг оксидланиш давомийлигига боғлиқлиги 1-расмда график шаклда кўрсатилган.

1-расмда кўрсатилган графикларда кўриниб турибдики, 20 соатгача оксидланиш вақти ортиши билан сезиларли даражада пенетрация ва юмшаш ҳарорати қийматлари ўзгарганлигини кўриш мумкин, бу гидроизоляция ва том ёпиш учун олинган битум ўрнини босувчи аралашмаларнинг физик-механик параметрлари ГОСТ 6617-76 талабларига мувофиқ.

Битум ўрнини босувчи қуйқасининг компонент таркиби нисбати 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал

Битум ўрнини босувчи қуйқаси тажриба намуналарнинг компонент таркиби нисбати

Компонентларнинг номи	Тажриба намунаси №1	Тажриба намунаси №2	Тажриба намунаси №3	Тажриба намунаси №4
Гудрон (МЖК), %	47	46	46	45
Нефтшлами, %	47	47	46	46
Сўндирилмаган оҳак, %	1	2	3	4
Кукунсимон техник олтингугурт, %	5	5	5	5

Ишлаб чиқарилган битум ўрнини босувчи қуйқасининг 4 та тажриба партияси намуналари ГОСТ 6617-76 талабларига мувофиқ физик-механик тавсифлари бўйича синовларни ўтказиш учун Фарғона нефтни қайта ишлаш заводининг 10-цеҳдаги Марказий завод лабораториясига юборилди.

Гидроизоляция ва том ёпиш қопламалари учун ишлатиладиган битум-ўрнини босувчи қуйқаларининг тажриба партиялари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича синовлар ўтказилган: 25°C даги 0,1 мм игна кириш чуқурлиги, халқа ва шар бўйича юмшаш ҳарорати, 25°C даги чўзилувчанлик, эрувчанлик, иситишдан кейин масса ўзгариши, чақнаш ҳарорати, сувнинг масса улуши.


Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги лабораториясида ГОСТ 6617-76 талабларига мувофиқ қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаси тажриба партияларнинг физик-механик тавсифлари бўйича қиёсий синов натижалари 6-жадвалда келтирилган.

Қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаси тажриба партияларнинг физик-механик тавсифлари бўйича қиёсий синов натижалари

Кўрсаткичлар номи	БН 70/30 битум марқаси учун ГОСТ 6617-76 талаби	БН 90/10 битум марқаси учун ГОСТ 6617-76 талаби	Тажриба намунаси №1	Тажриба намунаси №2	Тажриба намунаси №3	Тажриба намунаси №4	Синов методи
1. Игна кириш чуқурлиги, 0,1 мм, 25 °С да	21-40	5-20	38	34	22	18	ГОСТ 11501 бўйича
2. Халқа ва шар бўйича юмшаш ҳарорати, °С, дан юқори	70-80	90-105	72	76	80	88	ГОСТ 11506 бўйича
3. Чўзилувчанлик, см, дан кўп, 25 °С да	3,0	1,0	2,9	2,7	3,1	1,0	ГОСТ 11505 бўйича
4. Эрувчанлик, % дан кўп	99,50	99,50	99,50	99,50	99,50	99,40	ГОСТ 20739 бўйича
5. Иситишдан кейин масса ўзгариши, % дан паст	0,50	0,50	0,50	0,52	0,54	0,55	ГОСТ 18180 бўйича
6. Чақнаш ҳарорати, °С дан юқори	240	240	235	240	245	245	ГОСТ 4333 бўйича
7. Сувнинг масса улуши	излар						ГОСТ 2477 бўйича

Тажриба партия №3 рецептураси бўйича олинган намуна битум ўрнини босувчи сифатли қуйқасини олишга имкон беради ҳамда келажақда пойдевор ва қувурларни қоплаш учун жорий қилиш тавсия этилади. Тажриба партия №4 битум ўрнини босувчи сифатли қуйқани олишга имкон беради ва келажақда том ёпиш қопламалари учун қўлланилиши тавсия этилади.

Оксидланган қуйқаларнинг сифат кўрсаткичлари стандарт талабларига номувофиклиги сабабларини яхшироқ тушуниш учун уларнинг гуруҳий таркиби ўрганилди. Оксидланган куб қолдиқнинг намуналари гуруҳ таркибини кейинги таҳлил қилиш учун 4, 8, 12, 16 ва 20 соатлик оксидланиш вақтида мос ёзувлар нуқталарида олинган. Олинган натижалар 2-расмда келтирилган.



2-расм. Қуйқани окислаш жараёнида гурухли таркибнинг ўзгариши

Маълумки, мой ва смолалар миқдори стандарт битумларнинг пластиклик хусусиятларига таъсир қилади, хусусан уларнинг чўзилувчанлигига. 2-расмда кўрсатилган графиклар асосида кўриниб турибдики, окисланиш жараёнида битум ўрнини босувчи қуйқанинг пенетрацияси ва юмшаш ҳарорати стандарт талабларига таяниб стандарт битумнинг окисланиш жараёнига ўхшаб мой ва смолалар миқдори камаяди ва натижада чўзилувчанлик кўрсаткичлари камаяди.

Бугунги кунда чет эл ва маҳаллий тадқиқотлар асосида ГОСТ 6617-76 талабларига мувофиқ физик-механик хусусиятлари бўйича ўтказилган қиёсий таҳлили 7-жадвалда келтирилган.

7-жадвал асосида хулоса қилишимиз мумкинки, хорижий олимлар В.Ю. Пивсаева, А.А. Вязенков ва маҳаллий Ш.А. Аликабулов томонидан битумнинг физик-механик хоссалари айрим кўрсаткичлар бўйича бизнинг тадқиқотларимиздан паст

Дуктилик ва пластиклик интервали кўрсаткичлари бўйича (8-жадвалга қаранг) БН 70/30 ва БН 90/10 битумларини ўрнини босувчи қуйқани сифатини ошириш учун сўндирилмаган оҳак ва олтингугурт қўшиш яхши самара беришини кўрсатади.

Битум ва битум ўрнини босувчи қўйқанинг физик-механик хусусиятларининг асосий кўрсаткичлари бўйича қиёсий таҳлили

Кўрсаткичлар номи	БН 70/30 битум маркази	БН 90/10 битум маркази	Пивсаева тадқиқоти	Вязенков тадқиқоти	Аликабулов тадқиқоти	Бизнинг тадқиқотимиз
Игна кириш чуқурлиги, 0,1 мм, 25 °С да	21-40	5-20	28-39	25-37	4,5-14,9	18-38
Халқа ва шар бўйича юмшаш ҳарорати, °С, не ниже	70-80	90-105	90-103	80-101	80-105	72-88
Чўзилувчанлик, см, дан кўп, 25 °С да	3,0	1,0	3,1-4,9	2,1-3,7	2,7-3,0	1,0-3,1
Иситгандан сўнг масса ўзгариши % дан кам	0,50	0,50	0,2-0,5	0,2-0,5	0,52	0,50-0,55
Чакнаш ҳарорати °С не ниже	240	240	233-242	233-242	240-245	235-245

Сўндирилмаган оҳак (СО) ва олтингугурт (S) билан модификацияланган битум ўрнини босувчи қўйқа (БЎБҚ)ларининг таркиби ва асосий хусусиятлари.

Таркиби	Пластиклилик интервали, °С	Дуктилик, см	Эластиклик, %	Сув ютилиши, %
БЎБҚ+1%СО+5%S	66	37,5	15,6	0,46
БЎБҚ+2%СО+5%S	89	13,5	30,0	0,37
БЎБҚ+3%СО+5%S	123	7,0	38,5	0,26
БЎБҚ+4%СО+5%S	138	4,8	46,5	0,18

Жадвалда кўринганидек, қурилиш битум ўрнини босувчи қўйқасига қўшиладиган сўндирилмаган оҳак концентрацияси ошган сари пластиклилик хусусияти ошиб борилгани кузатилди. Дуктилик хусусияти эса камайиб бориши кузатилди. Аммо эластиклик хусусияти тахминан 3 марта ошганлиги кўрсатилган. Шу тартибда олинган қурилиш битум ўрнини босувчи қўйқаларни синовдан ўтказилганда унинг сув ютилиш қобилияти пасайиши кузатилди.

Модификациянинг самарадорлиги физик-техник хусусиятларини ўзгартириш йўли билан баҳоланган. Таққослаш учун, ишлаб чиқилган битум ўрнини босувчи куйқа (БЎБҚ-3 ва БЎБҚ-4) билан бирга, саноатда таниқли дивинилстирол (ДСТ) ишлатилган.

Дивинилстиролнинг (ДСТ) ва ишлаб чиқилган битум ўрнини босувчи куйқа (БЎБҚ-3 ва БЎБҚ-4)ларнинг асосий хоссалари 9-жадвалда кўрсатилган.

9-жадвал

Битум ўрнини босувчи куйқа (БЎБҚ-3 ва БЎБҚ-4) ва ДСТ нинг хоссалари

Кўрсаткичлар	БЎБҚ-3	БЎБҚ-4	ДСТ
Узилиш пайтидаги шартли мустаҳкамлик, МПа	7,6	5,42	20,0
Узилиш пайтидаги нисбий чўзилувчанлик, %	365	340	750
Шор бўйича қатиклилик, А	75	83	70
45 сутка ичида сув ютилиши, %	0,4	0,36	0,56

БЎБҚ-3 таркиби Г-46%, НШ-46%, СО-3% ва S-5%;

БЎБҚ-4 таркиби Г-45%, НШ-46%, СО-4% ва S-5%;

Жадвалда кўрсатилган натижалардан кўриниб турибдики, ДСТ физик-механик хусусиятлари БЎБҚ-3 ва БЎБҚ-4 га нисбатан юқори, лекин сувга чидамлилиги паст. Бундан ташқари, БЎБҚ-3 тўйинган ва БЎБҚ-4 кам тўйинган, шунинг учун уларнинг озон ва ультрабинафша нурланишига чидамлилиги ДСТ га нисбатан юқори деб тахмин қилиш мумкин.

Нефтшлами, гудрон (госсипол смоласи) ва олтингугуртларни “Бухоро Проспер Инвест” МЧЖ корхонасида тегишли ускуналарида қайта ишлаб ва кўшимчаларни кўшиши натижасида тайёр хавфсиз қурилиш битум ўрнини босувчи маҳсулот олишга муяссар бўлди.

Стандарт талабларига мувофиқ, нефт шлами, гудрон, олтингугурт ва улар асосида олинган маҳсулотнинг хавфлилиги таҳлили ўтказилди (10-жадвал).

10 - жадвал


Нефт шлами, гудрон, олтингугурт ва улар асосида олинган маҳсулотнинг хавфлилиги таҳлили

Чиқиндининг номланиши	Хавфлилиқ синфи	Чиқиндилар асосида олинган маҳсулот номи	Хавфлилиқ синфи
Нефтшлами	3	Қурилиш битум ўрнини босувчи куйқа	5
Гудрон (госсипол смоласи)	3		
Техник олтингугурт	4		

10-жадвалда кўринганидек чиқиндиларни утиллашдан олдинги хавфлилик ҳолати 3 ва 4 синфига мансублиги кўрсатилган ва утиллашдан кейин олинган қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқанинг хавфлилик ҳолати 5 синфга ўтганлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Битум ўрнини босувчи қуйқанинг амалиётда қўлланилиши ва иқтисодий самарадорлиги**» деб номланган тўртинчи боби нефтшлами, гудрон (госсипол смола), сўндирилмаган оҳак ва олтингугурт асосида қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасини олиш технологик схемаси ҳамда маҳаллий чиқиндилардан олинган янги импорт ўрнини босувчи қурилиш битумнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблашларга бағишланган.

Нефтшлами, гудрон (госсипол смоласи), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингугурт асосида қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасини олиш технологик схемаси ишлаб чиқилди (3-расм.)



3-расм. Қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасини олишнинг технологик схемаси:

1-қозон; 2- ёғ-мой тутқич; 3- ўчок; 4- компрессор; 5- вентиллятор; 6- фильтр; 7- қабул қилиш сиғими; 8- опора

3-расмда кўринганидек, нефтшлами, гудрон (госсипол смола), сўндирилмаган оҳак ва олтингугурт асосида қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқасини олиш технологияси 3 босқичга бўлинган:

1-босқич. Тайёрлов жараёни

2-босқич. Механик жараён

3-босқич. Қайта ишлашнинг кимёвий жараёни

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида иккита йирик нефтни қайта ишлаш заводлари «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ ва «Жарқўрғон нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ қурилиш ва йўл қурилиши битумлари ишлаб чиқармоқда. Улардан бири Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи.

Бу завод ҳозирги кунда бир йилда 5000 тонна БН 70/30 ва БН 90/10 маркасидаги қурилиш битумлари ишлаб чиқариш қувватига эга. 7.8.9 РН 39.0-137:2017 бандига кўра: импорт қурилиш битумини ўрнини боса оладиган маҳаллий қурилиш битумининг иқтисодий таъсири қуйидаги формулада ҳисобланади:

$$\mathcal{E} = (B_{и} \times K_{в} - \mathcal{Z}_{нх}) \times A_{но},$$

бу ерда $B_{и}$ – импорт товарлар бирлигига, чет эл валютасига тўлов учун тўлиқ валюта харажатлари;

$K_{в}$ - валюта курсларининг бюллетенига мувофиқ қабул қилинган чет эл валютасини миллий валютага айлантириш коэффициенти (сўм). 06.11.2021 йилда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра $K_{в} = 10700,00$ сўм.

$\mathcal{Z}_{нх}$ - импорт ўрнини босувчи маҳсулотнинг маҳаллий ишлаб чиқариш бирлигига берилган харажатлар (нарх), минг сўм;

$A_{но}$.- Фарғона нефтни қайта ишлаш заводидаги импорт ўрнини боса оладиган маҳаллий маҳсулотларнинг яъни қурилиш битумларининг йиллик ишлаб чиқариш ҳажми 5 минг тоннани ташкил этади.

Импорт қилинадиган қурилиш битумининг 1 тонна қиймати- 8 700 000 сўм.

Қурилиш битумларининг ўзаро алмашинувчанлик коэффициенти ($K_{вз}=1$) ҳисобга олиб, кутилаётган иқтисодий самара:

$$\mathcal{E} = \left(\frac{B_{и} \times K_{в}}{K_{вз}} - \mathcal{Z}_{нх} \right) \times A_{но}$$

Қурилиш корхоналарига зарур бўлган янги композицион БН-90/10 ва БН-70/30 маркадаги қурилиш битумларидан фойдаланишда йиллик кутилаётган иқтисодий самарадорлик:

$$\mathcal{E} = \left(\frac{8700000 \times 10700}{1} - 3100000 \right) \times 0,5 = 46543450 \text{ минг.сум}$$

ни ташкил этади.

ХУЛОСАЛАР

1.Маҳаллий юқори углеводородли нефтни қайта ишлаш маҳсулотлари, нефт-газ ҳамда ёғ-мой ва нефт чиқиндиларинининг кимёвий таркиби ва кимёвий хусусиятлари аниқланди ва қуйқа олиш учун хомашё сифатида тавсия этилди.

2.Ўрганилган хомашёлар асосида гидроизоляция ва том ёпиш қопламалари учун қурилиш битум ўрнини босувчи янги таркибга эга бўлган қуйқа таркиби тавсия этилди.

3.Қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаларини олиш учун нефтшлами, гудрон (госсипол смоласи), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингугурт маҳаллий арзон углеводородли чиқиндилар асосида олинган қуйқанинг технологик, физик-механик ва эксплуатацион хоссалари изоҳланади.

4.Нефтшлами, гудрон (госсипол смоласи), сўндирилмаган оҳак ва техник олтингугурт асосида қурилиш битум ўрнини босувчи қуйқаларини олиш технологияси тавсия этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.04.01 ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ХИМИКО -ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

РАХМАТОВА ДИЛНОЗА МУХИТДИНОВНА

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ ПОЛУЧЕНИЯ БЕЗОПАСНЫХ
ПРОДУКТОВ ПРИ УТИЛИЗАЦИИ ОТХОДОВ НЕФТЯНОЙ И
МАСЛОЖИРОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

02.00.08 – Нефтегазовая химия и технология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.PhD/T2451

Диссертация выполнена в Ташкентском Государственном Техническом Университете имени Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу ik-kimyo.nuu.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Мусаев Маъруфджан Набиевич**
кандидат технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Фозилов Садриддин Файзуллаевич**
доктор технических наук, профессор

Рахмонов Тойир Зойирович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится « 4 » 03 2022 г. в 10⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.03/30.12.2019.T.04.01 при Ташкентском химико-технологическом институте по адресу: (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32. Тел.: (99871) 244-79-21, факс: (99871) 244-79-17, e-mail: tkti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского химико-технологического института за № 289_, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (100011, г. Ташкент, Шайхонтахурский район, ул. А.Навои, 32.Тел.: (99871) 244-79-21).

Автореферат диссертации разослан « 18 » 02 2022 года.
(протокол рассылки № _98_ от « __12_ » _02_ 2022 г.).

С.М.Туробджанов
Председатель Научного совета по присуждению
учёной степени доктора наук, д.т.н., профессор

Х.И.Кадиров
Учёный секретарь Научного совета по
присуждению учёной степени доктора наук,
д.т.н., профессор

Г.Рахмонбердиев
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению учёной степени доктора
наук, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире разработаны и внедрены технологические разработки для снижения антропогенного воздействия на окружающую среду за счет рационального использования природных ресурсов и использования промышленных отходов в качестве вторичного сырья, на основе которого можно получать безопасные продукты. При этом особое значение имеет развитие технологических процессов переработки отходов и получения новых видов строительной продукции, повышая эффективность их использования, разработка технологических процессов переработки отработанного масла в нефтегазовой отрасли для получения строительных битум-заменяющих смесей с высокими физико-химическими свойствами.

В мире ведутся интенсивные исследования по разработке технологий производства кровельных покрытий, отвечающих стандартным требованиям по проникновению окисления и температуре размягчения, повышению качества заполнения и диапазона пластичности с добавлением нерафинированной извести и серы на основе промышленных отходов и остатков, таких как нефть, гудрон госсипола.

На сегодняшний день в Узбекистане достигнуты определенные теоретические и практические результаты по разработке и применению технологии получения безопасных строительных битум-заменяющей смеси с хорошими физико-химическими свойствами на основе местных нефтяного шлама, гудрона (госсиполовая смола), негашеной извести и технической серы. В третьем направлении Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечена «дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, направленные на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего по производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов. В связи с этим актуальным является проведение научных исследований по разработке современных технологий производства строительных битум-замещающих смесей нефтеперерабатывающей промышленности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-5646 от 1 февраля 2019 года «О мерах по коренному совершенствованию системы управления топливно-энергетической отрасли Республики Узбекистан», №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах» и Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018 года № ПП-3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики IX «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. Научно-исследовательские работы по получению композиционных строительных битумов из нефтяных остатков и разработке технологии их получения в мире велись учёными как Воробьев А.Е., Тчаро Х., Воробьев К.А., Капустин В.М., Рудин М.Г., Кукес С.Г., Негматов С.С., Хамидов Б.Н., Сайдахмедов Ш.М., Нарметова Г.Р. и др.

Ими изучались научные исследования компонентов в процессе переработки отходов нефти и масложировой промышленности и производства новых строительных материалов с различным составом, а также внедрили технологии производства готовых строительных битум-замещающей продукции полученных на основе промышленных отходов местной нефти и масложировой промышленности.

